

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 298,7 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 285,0 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,4 фоизини ташкил қилди.

Иктисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,0 фоизи), саноат (16,7 фоизи), қурилиш (8,5 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар иктисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан фоизда	минг бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	298,7	100,0	285,0	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22,3	7,5	20,9	7,3
саноат	50,0	16,7	48,0	16,9
қурилиш	25,5	8,5	24,1	8,5
савдо	68,7	23,0	64,6	22,7
ташиш ва сақлаш	12,3	4,1	11,8	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	17,9	6,0	17,0	6,0
ахборот ва алоқа	6,7	2,3	6,4	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,2	2,1	6,0	2,1
бошқа фаолият турлари	89,1	29,8	86,2	30,1

2017 йил 1 июль ҳолатига 243,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 79,4 мингта, оилавий корхона – 11,2 мингта, масъулияти чекланган жамият – 144,8 мингта, акционерлик жамияти – 0,7 мингтани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

1 июль ҳолатига



2017 йилнинг январь–июнида жами 25,0 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 23,9 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 23,3 фоизи), Тошкент (9,7 фоизи), Фарғона (9,1 фоизи) ва Самарқанд (8,6 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 25,9 фоизи савдо, 19,6 фоизи саноат ва 14,3 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 11,9 мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1,7 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 14,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2017 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 5233 тани ташкил этди.

2017 йил январь–июнь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 346 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 62 та, Россия Федерацияси 60 – та, Туркия Республикаси – 29 та, Корея Республикаси – 28 та, Қозоғистон Республикаси – 22 та, Буюк Британия – 17 та, АҚШ – 17 та, Озарбайжон Республикаси – 13 та, Ҳиндистон Республикаси – 11 та, Эрон Ислом Республикаси – 10 та янги корхона тўғри келди.

Шунингдек, 2017 йилнинг январь–июнь ойларида Афғонистон Ислом Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, БАА, Британия Вержиния ороллари, Кипр Республикаси, Чехия Республикаси, Германия Федератив Республикаси резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

2017 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокидаги корхоналар сонини тақсимлаш қуйидагича ифодаланади:

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	5 233	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	141	2,7
Саноат	2301	44,0
Қурилиш	266	5,1
Савдо	1004	19,2
Ташиш ва сақлаш	150	2,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	228	4,3
Ахборот ва алоқа	116	2,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	66	1,3
Бошқа фаолият турлари	961	18,3

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 5233 та корхонанинг 2301 таси (44 фоизи) – саноат, 1004 таси (19,2 фоизи) – савдо, 266(5,1 фоизи) – қурилиш, 228 (4,3 фоизи) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 150 (2.9 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 116 (2.2 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.